


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



Миробид МИРСОДИҚОВ олган сурат

ЎШБҮ
СОҶДА

АЖАЛ
ХИЁБОНИ

8

«СУТДА ЧОЙ
ШАММАСИНИ
КЎРДИМ»

7

«САХОВАТЛИ
БЎЛАЙЛИК»

6

АКС
САДО

5

БИРИНЧИ
МУҲАББАТИМ
ЭДИ

4

«ВИЖДОН
БЕКАТИ»

3

«ТОНГ
МАЛИКАСИ»

2

ЎШБҮ
СОҶДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилаётган тadbирлар Давлат дастури» асосида жойларда кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Андижон вилоят ҳокими уринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаззам Шамсибоева бу ҳақда шундай хикоя қилади:

Оила — Ватан ичидаги ватандир. Инсоннинг шаклланиши шу дастлабки нуқтадан бошланади. Зероки, оилада дунёга келган мурғак қалб илк тасавурларини ота-онасидан, қолаверса, шу хонадондаги бошқа кишилардан олади. Онгли шаклланган сари ушларга тақдир қилиб яшай бошлайди. «Қуш уясида курганини қилади», деган халқ ҳикматиининг маъзи худди шундан олинган бўлса, ажабмас.

Вилоятимизнинг Марказий Фаргона даштларини узлаштириш ҳисобига янги ташкил этилган Буз туманига эллик йиллар аввал турли жойлардан ёш оилалар кўчиб келишганди. Яқинда шу туман марказига борганимда, уша чулқуварлардан бири, асли шахрихонлик Собиржон ака ва Лобархон ая Комиловлар хонадонидан бўлдим. Шубҳасизки, бу оила ҳозир ували-жували, кўп томонга томир ёзиб кетган.

Буни қарангки, Собиржон ака

новвойликни касб қилган экан. Оиладаги уч ўғил (Қозимжон, Азимжон, Қобилжон) ота касбидан ташқари касиб-этиқдўзликни ва теле радио устаси ҳунарларини ҳам эгаллашбди. Оиланинг ягона қизи — Каримахон онаси Лобархон аяга

Хотин-қизлар кўмиталари ҳаётидан

оила соҳибларининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратмоқдамиз. Маҳаллада, кишлоқда, меҳнат жамоаларида фаолият курсатаётган 3000

ишларимизнинг асосий қисмини оилани оқилона режалаштириш масаласига қаратаймиз. Зероки, «Оилани режалаштириш» дегани фақат туғилиш-фарзанд топишни камайтириш эмас, балки оила кенгайган сари унинг таъминотини бемалол кутара олиш имкониятларини ҳам пухта ўйлаб иш тутидир.

Биз уз фаолиятимизда оилаларни, хусусан хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аниқроқ айтсак, уларни соғломлаштириш, касб-хунар эгаллашга йўналтириш, ишчи урналирини кенгайтириш, ногиронликдан асраш тadbирларини ўтказишда баъзан бир ёқламалikka йўл қўётганимизни ҳам кейинги пайтларда аниқ сезиб қолдик. Оиланинг келажақ истиқболини унинг асосий таъминотчиси эрлар режалаштиргани маъқулроқ кўринади. Шу боис вилоятимизнинг Балиқчи, Қургонтепа, Шахрихон туманларида хотин-қизлар уртасидаги бир қатор ишларга эркакларни жалб этиш йўлга қўйилди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган «Оила дастурлари»нинг изчил ихроси боқимандаликни камайтириб, оилаларни фаровонликка етакловчи муҳим воситадир.

Ўз мухбиримиз

МАҚСАДИМИЗ — ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ

уҳшаб, моҳир пазанда, новвой, чевар булибди. Хонадонга фарзандларга монанд элли келинлар тушибди. Ҳозир бу оила яшаб турган хонадон мисоли гўлзор. Ҳаммаёқ саришта, бог. Ҳар ким уз иши билан банд, рўзгорда камчилик йўқ, чехраларда ҳаётдан мамнулик ифодаси ҳукмрон.

Собиржон аканинг ён қўшилари Анзиратхон ая Собирова ва Одилжон Қодировлар оиласи ҳам ҳалол меҳнат, изланиш, тadbиркорлик билан ширин, фаровон ҳаёт кечиряшляпти. Оилалари мустаҳкам, осойишта.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида кўпчиликка ибрат қилиб курсатгудек бундай тотув ва иноз, турмуши фаровон оилалар кўп. Биз асосий эътиборни пиру-бадавлат, тинч-тотув оилаларнинг турмуш тарзини кенг тарғиб этиш орқали оилаларни мустаҳкамлашга,

га яқин бошланғич хотин-қизлар кўмитаси шаҳар ва туман кўмиталари раҳбарлигида иш юришиб, уз худудларида барқарор оилаларни кўпайтириш, никоҳни бекор қилишни камайтиришги эришяамиз.

Республика «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими таянч пунктлари ёрдамида вилоятда туғиш ёшида бўлган 489 мингдан зиёд оналар тиббий куриқдан ўтказилди. Куриқ давомида аниқланган эстрогенитал касалликларга чалинган аёллар шифохоналарда ва амбулатория шaroитларда қўшимча даволаниб, соғломлаштирилди. Ешларнинг соғлом оилани барпо этишига «Соғлом авлод учун» жамғармаси таянч пунктлари қошида ишлаб турган 16 та «Оила ва никоҳ» маслаҳатхоналарининг кўмаги катта бўлмоқда.

Омма орасида олиб бораётган



ПИСКЕНТДА БИР БОЛА БОР...

Исми — Исломо. Фамилияси — Каримов. Қизг-а! Қизиман, Ўзбекистон Президенти Исломо Каримовнинг адаши. Тошкент вилояти Пискент туманидаги Октепа кишлоғида 1992 йили туғилган.

Отасининг исми Йўлдош. Онасининг исми Бибиноси. Республика миз Мустақиллигининг 7 йиллиги нишонланган шу кунларда Исломожон 1-синфга ўқишга борди.

Исломожоннинг айтишича, унинг исмини 80 ёшни қоралаб қолган Голия буви си юртбошимиз Исломо Каримовга ҳавас қилиб, невараси Мустақиллигимизнинг рамзи, булсин, деб қўйган экан.

Жажжи Исломо Каримовнинг бу йил 1-синфга ўқишга бориши билан кўлар эканмиз, уни келажақда Мустақил мамлакатимизнинг муносиб фарзанди мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшувчи инсон бўлиб етишишни тилаймиз!

Ҳамидулла ИСМАТ, Эркин УСМОН

Ахборот

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўтган ҳафта пойтахтимизнинг Ҳамза номлидаги давлат театри биносида Республика хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Энг ибратли оила» куриқ-танловининг якуновлчи босқичи бўлиб ўтди.

Куриқ-танловда Республиканинг барча вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси голиб деб топилган оилалар иштирок этишди. Ҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтган ушбу тadbирда ҳоразмликларнинг қўли баланд келди. Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳужалигида яшовчи Ниёзамат Худойбергеновлар оиласи олий уринни эгаллашди. Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Қаҳрамон Бақоевлар оиласига эса биринчи урин насийб ўтди.

Иккинчи уринни Тошкент ва Самарқанд вилояти вакиллари қўлга киритишди.

Куриқ-танловда голиб чиққан оилалар ҳомий ташкилотларнинг қимматбахо мукофотлари билан тadbирландилар. Ушбу анжуманда Республика Бош вазирининг уринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди.

К. МИРЗО

ДИЛ ИЗҲОРИ

ЭНГ СЕРФАРЗАНД ОНА

Онам оғир хасталикка чалиниб, тушакка қўйилган пойдевор, эртанги кунга бўлган ишончдир. Кейинги 7 йил ичида шу мақсадда қилинаётган ишлар талайгина, жумладан: Наманганда «Паҳлавон» спорт мажмуи куриб битказилди. Иншоот турли ташкилотларнинг бўлажақ пахлавонларга қилган химматлари эвазига қурилди. Хусусан «Маҳалла» хайрия жамғармаси курилиш учун 7 миллион сум пул ажратди.

Тaqдирнинг не-не бегунох гуноҳкорлари бу онанинг бағридан паноҳ топмади, дейдиз?! Бировни улимнинг совуқ нафаси бу ерларга учирган бўлса,

бирова маҳаббатнинг «мева»си... Ўзбекми, тожикми, русми... Мен ҳам унинг 3500 дан ортиқ фарзандларидан бириман. Онамиз бизни укситмадилар, бошимизни силаб яхши тарбия бердилар, маъқул кўёв топиб узатдилар.

Болалар уйда умримни чинаккам ҳаёт дарси

десам, адашмасам керак. Онамиздан кўп нарса ўргандик. Энг муҳими сабр-тоқатли, саботли бўлишга одатландик. Учирма қилиб чиқарганларидан кейин ҳам бошимга сал оғир кун тушса, меҳрибон онажонимга сунянардим. Боланинг тоби қочса ҳам, турмушда қоқилсам ҳам, уз онамдек

Антонина Павловнага дардини айтардим. Баҳоли қудрат ёрдам берар эдилар. Бугун ана шундай меҳрибон, бағри кенг онамиз ҳаёт бўлганларида эди 84 ёшга тулган бўлардилар.

Оилам билан бахтли кунларда, байрамларда, қувончли давраларда онамизни

тёз-тёз эслаб тураимиз. Ҳақларига дуойи фотиҳалар қиламиз.

Б у г у н мустақиллигимизнинг шонли 7 йиллигини нишонларканмиз, яна сизни эсладик, онажон. Илоҳим руҳингиз шод, охиратингиз обод бўлсин. Биз фарзандларингиз ҳамиша Сиздан миннатдоримиз. Истарадимки, Сиздек оналар кўпаяверсин.

Муборак АBAЗОВА.

«ПАХЛАВОН»

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

ТОНГ МАЛИКАСИ

Соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш — келажакка қўйилган пойдевор, эртанги кунга бўлган ишончдир. Кейинги 7 йил ичида шу мақсадда қилинаётган ишлар талайгина, жумладан: Наманганда «Паҳлавон» спорт мажмуи куриб битказилди. Иншоот турли ташкилотларнинг бўлажақ пахлавонларга қилган химматлари эвазига қурилди. Хусусан «Маҳалла» хайрия жамғармаси курилиш учун 7 миллион сум пул ажратди.

Мустақиллик байрами ишга тушган бу иншоот бўлажақ чемпионларга ажиб совга бўлди.

«КОСМИРДЕРИ»

Бундан икки йил муқаддам Косоний туманида Туркия давлатининг Измир шаҳри билан ҳамкорликда «КОСМИРДЕРИ» — терини қайта ишлаш қўшма корхонаси курилиб, фойдаланишга топширилган эди. Шарҳномага кўра туркиялик мутахассислар икки йил уз ҳисобларига ишлашлари лозим эди. Ҳозирда бу шарҳнома мuddати туғаб, корхона соф фойда эвазига фаолият курсатиб келяпти. Нафақат туман, балки бутун вилоят миқёсида келтирилган коч ашвдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳоли эҳтиёжи тула таъминланмоқда.

Қўшма корхона фаолият курсата бошлагандан кейин аҳоли иш билан банд бўлди. Шунингдек, илгари чўкинди сифатида ташлаб юборилатган теридан фойдаланиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кўшдан барвақт туриб куча эшикларига сув селиб, супуриб-сидириб қўйган фариштадай қиз-жувонларни «Тонг маликаси», дейиш мумкин. Аслида Косонсойнинг сочи узун қизлари шундоқ ҳам фаришта. Лекин уларнинг бу одаларини рағбатлантириш оммалаштириш, мунтазам давом этириш мақсадида кишлоқ ва шаҳар маҳаллалари аро «Тонг маликаси» доимий куриқ-танловни ташкил этилди. Бу тadbирни ўтказишдан мақсад атроф-муҳитни тозалаш, хар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда шаҳарни ораста сақлашдан иборат.

Д. ТУРҒУНОВА

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Инсон дунёга келди. Жажигина. Кузларини зур-базур очиб қарамоқчи бўлади. У идрок қила олмайди ҳали. У ҳали билмайдики, шу мурғаккина вужуднинг эсон-омон дунёга келиши учун қанча пешона терлари тукилди, қанча ҳаяжон, қанча қурқув, қанча азоб-уқубат... Шуларнинг барчаси болакайнинг бир чинқирғи билан унут бўлди. Елкалардаги тоғлар ағдарилди...

Уларнинг баҳосини ким айтиб бера олади?! Балки тугилиш жараёнининг аёл вужудига зиён етказган-етказмаганини текшираётган шифокор айтиб беради. Балки бу саволга чақалоқни бошқа ҳамшира қўлига топшириб наевбатдаги аёлнинг дардига шерик бўлиш учун ошиқзётган доя жавоб беради.

«Шундай пайтлар бўладики, баъзан аёллар оғриқнинг зуридан, нима деганларини уйлаб ҳам утирмасдан ҳақорат сўзларини ҳам ишлатиб юборишади. Фарзанд тугилиб ҳаммаси утиб кетгандан кейин, эса улар ҳатто қўлингизни ҳам упишга тайёр бўлишади. Нима ҳам дердик.

Қаттиқ гапларга чидаймиз. Тушунаман, осон эмас. Бир жойингизни тирнаб олинг, қанча азоб беради. Бу ерда инсон тугиляпти-ку. Мен учун онанинг миннатдор кузларини қўришдан кўра ортиқроқ муқофот йўқ...

Шаҳримизнинг Акмал Икромов туманидаги «Она ва бола» маркази туғруқона бўлимининг бош дояси Дилдор Саидқосимованинг бу сўзлари фикримизни яна бир қара ибоботларга айландиради. Ҳа, она бўлиш катта бахт. Унга даҳлдор бўлиш, ёрдам бериш-чи? Бу саволга жавобни ҳозиргина Дилдора онанинг сўзларидан олдик чоғи.

Дилдоранинг тиббиёт соҳасига келиши тасодифий бўлмаган. Отаси Тўхтажуха ака шифокор эдилар. Кечасими, кундузи, овқат маҳалими ёки бошқа пайт, қуллас, ёрдам



сўраб келувчиларни ҳар дақиқада кутиш мумкин эди.

«Э, ишингиз ҳам бор бўлсин-да, сира тинчлигингиз йўқ, — дердилар баъзан Мухаббат опа. Бу хондонда шу каби ҳолатни ҳозир ҳам кузатиш мумкин. Фақат ҳозир раҳматли Тўхтажуха ака урнида Дилдора опа. Дилдора онани йўқлайдиганлар асосан аёллар.

Албатта бундай пайтда шифохона, тез ёрдам бор. Лекин аёл шундай масъулиятли пайтда нотаниш бир шифокорга мурожаат қилишдан қўра кунгайра яқин кунда-қунора омонлашиб юрган одами билан дардлашишни хоҳлайди, тепасида у туришни истайди. Дилдора опа яна онасининг ташвишлиниги оғирини пайқамасликка ин-

тилиб, ярим кечада йулга отланади. Ахир икки йул орасида турган аёлга рад жавобини бериб бўлармиди?

Дилдора опа уз фаолиятини бошлаган Ақушерлик-гинекология илмий-тадқиқот институтини, устози Ҳасанова Любовь Николаевнадан олган сабоқларини, ҳаётдаги дастлабки чақалоқ — Мухаррам исмли аёлнинг туртинчи фарзанди — угил болани, чақалоқни биринчи бор қўлга олганида туйган — айтиб бериб бўлмайдиган ҳаяжони жуда яхши эслайди. Ушанга ҳам 20 йил бўлибди.

Буш вақтларда Дилдора онанинг энг сеvimли машғулотини — спорт, волейбол. Ҳатто Узбекистон терма командасида уйнаган. Шунингдек, бадий адабиётга ҳам қизиқиши катта, айниқса сеvimли адибимиз Уткир Ҳошимов асарлари муҳлиси. Қолаверса, аёл киши учун уйда иш қамми. Уй сўпуриши, даэмол қилиш, турли ширинликлар пишириш... Аммо-лекин эшик тақиллатиб келган, фарзанд кутаётган аёлга ёрдам курайтиш — Дилдора Саидқосимованинг — энг биринчи галдаги вазифасидир.

Муқаддам **КАРИМОВА**

Биз фарзандларимизга сирли, сеҳрли, айни вақтда мавҳумлик қобигига яширинган виждон ҳақида батафсил тушунтириш олиб боришимиз керак. Кўпинча танҳу узимиз қолганда қилган ишларимизни таҳлил қиламиз, айнан узимиз узимизнинг хатти-ҳаракатимизга баҳо берамиз. Камчиликларимизни аналга, уйқўларимиздан мағрурланмай, мактовларга айданмай ҳалолликда қолса олак, демек виждонлигимиз. Акс ҳолда виждон ҳақида лоф уришимиздан ҳеч қандай наф йўқ. Виждон сари бориладиган йўлда хавфли бир чоғ бор. Бу чоғни «жигилдон» — дейишади. Кимки жигилдонда қолса виждонга етолмайди, виждон билан бирга бўлмайди. Виждонга бориш учун қаноат бекати орқали жигилдон чоҳини айланиб утиш керак. Бу шундай расво чоғи, унинг тўлганини ҳеч ким билмайди. Бу чоғ энг аввал унга қўл бўлган одамнинг узини ютиб юборади ва у одам уз жигилдонидан бошқа ҳеч нарсага қўрмайди.

Дейлик, йирк бир корхонанинг раҳбари узи раҳбарлик қилаётган корхонада иш савиясининг даражаси билан қизиқилди, балки ой сари олдидан манфаатининга уйлаб, бу манфаатини қўндан-қўн ошириш учун тришади. У энг аввал уз раҳбарлик курсини сақлаб қолишни уйлайди. Ундан кейин корхонадаги унлаб штатларни «ҳазм» қила бошлади. Узининг таниш-билишларининг ҳаммасини шу ерга жойлайди. У корхона номидан турли шартномалар тузади, яна қўлига маблағлар киради. Бу маблағларини ҳам жигилдонга уради ва биш то раҳбар бирор бир сабаб билан корхонадан кетгунича давом этади. Натияжада корхонанинг ҳамма ишлари уйда-жўлда бўлиб қолади, қўлоқликка юз тутади. Чунки уни яхшилаш учун ишлайдиган штатлар

раҳбар жигилдонидан маскан толган. Уни корхонадан уз ҳурмати билан кетишини сурашади. У кетмайди. Бунга унинг жигилдони йул қўймайди. Ана шу уринда агар шу инсонда заррача виждон бўлса, уз-узига-туғри баҳо бериб, корхонанинг обрусизланшида узининг асосий айбдор эканлигини аналгайди ва малакали мутахассисга йул беради, акс ҳолда уз жигилдонини йўлида, кўпчилик нафратига қўмилган ҳолда ҳалок бўлади. Бу фожиавий туғаланишида шу раҳбарни тарбиялашда-

майдалашиб кетади.

Ҳаммага маълумки диний идорада ишлайдиган одамларнинг ҳалоллигига шубҳа йўқ. Уларнинг поклигига ҳеч ким иббот талаб қилмайди. Бироқ, шу идоранинг вакилларида бири Каъбатуллоҳ зиёратига узининг танишини юборганини эшитганингиздан сўнг, еки пора олиб юборатганини эшитганингизда хайратдан ёқа ушлайсиз.

Кейинги пайтда кўпчилик ота-оналар уз фарзандларини ҳарбий хизматдан олиб қолишга интилияҳапти. Йўлини

ВИЖДОН БЕКАТИ

ги ота-оналари хизмати каттадир. Агар ёшлигидан виждон билан жигилдон фарқига борганда эди давлатнинг қанча маблағи совирилиб, бир корхона қўлоқликка юз тўтмас эди.

Биз фарзандларимизга уз ишларини ўзлари таҳлил қилишларига, уз камчиликларини ўзлари тузатишларига ургатишимиз керак. Болаларимиз ҳақиқат сари ўзлари, бизларнинг ёрдамларимизсиз интилишлари зарур.

Ҳар бир уйқўққа, ҳар бир муваффақиятга иқтидорлари даражасида ҳалол меҳнатлари орқали, эришишни урсансалар, демек биз уларга виждон сабогини бера олибмиз.

Виждон-улуг тушунча. Маънавий покизлик айнан мана шу виждон бекатидан бошланади. Халқимизда айбини исботлаш мумкин бўлмаган ҳолда ёнқи келтирган зарари миқёсини белгилаш мумкин бўлмаган ҳолда «виждонсиз», — дея лаънатлаш одати бор. Бу энг оғир ҳукм, энг хунук ҳақорат. Катта мансабларда турган одам ёки қатор йиллар олқишларга қўмилган инсон «виждонсиз» тавқи лаънатидан сўнг, кўпчилик назарида кичиклашиб,

топиша олмаса, муқобил хизматга ҳужжат тайёрлашади. Агар шундай ишни сиз ишонган, эъозлаган маҳалла кай-вониларида бири қилаётганини сизга айтишганда, виждонли одамлар борлигига ишонқирамай қоласиз.

Жарроҳлик столида ётган бемордан операция учун маълум бир катта миқдордаги пулни талаб қилган вачини умуман ҳурмат қилмайсиз. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Бундай виждонсизлар биз тарбиялаётган угил-қизларнинг отаси-амакиси, тоғаси, аммаси, холаси бўлиб чиқиши уларнинг мурғак қалблариди ҳаётга бўлган, ҳалолликка бўлган самимий ишончга путур етказаяпти.

Оқорида келтирилган мисолларда сирти силлиқ, қуриниши маданиятли, кимсаларнинг хизматлари, ўзларининг шахсий манфаатлари доирасидаги жигилдон гамиди миқнатли хизматдир. Демек, виждонли одам энг майда юмушни ҳам, энг кичик хизматни ҳам беминнат қилиши керак.

Виждонсиз одамлар ҳақида ҳалқ ичида «Домлани айтганини қил, қилганини қилма», — деган ажойиб нақл

Тарбия соати

бор. Виждонлиликнинг асосий шартини шу нақлда аниқланапти: Суз ва амал бирлиги. Виждонли одамнинг сузи билан иши бир хил бўлади.

Бундан маълумки, фарзандларимиз олдида улардан талаб қилаётган масъулиятга ўзимиз амал қилишимиз керак ва олдимиздаги ҳар қандай масъулиятни беминнат, ҳалол, уз қобилият, иқтидоримизга сўянган ҳолда адо этишимиз керак.

Виждонли одамлар қанчалик камтарин бўлмасинлар, қанчалик оддий лавозимларда ишламасинлар ва қанчалик оддий кийинмасинлар, ҳалқ назарида, кўпчилик назарида юксак мартабали инсон каби гавдаланадилар ва улар ҳалоллик мезони сифатида гавдаланадилар.

Ҳалолликнинг турли қоидалари, турли таърифлари мавжуд. Бироқ энг туғри-виждонли одамнинг турмуш тарзи. Демек, биз энг аввал фарзандларимиз назарида ҳалол, пок инсоннинг тисмоли була олакгани, уларга виждон ҳақида туғри сабоқ бера олган бўламиз. Фарзандларимиз ҳалол, туғри бўлишганидагина ҳеч қачон виждон азобига дучор бўлмайдилар. Чунки виждон азоби қўлдан кетган фазилатларнинг акс садосидир.

В.Паскаль «Виждон биз эга бўлган ҳамма китоблар ичидаги энг доно китобдир, унга тез-тез ниғоҳ ташлаб турмоқ керак», — деб айтган эди. Зотан, биз ҳам умр давомиди фарзандларимизнинг виждон-китобларига тез-тез ниғоҳ ташлаб турайликким, унинг бирор варағи, бирор саҳифасига ҳам доғ тушмасин.

Шундагина биз фарзандларимиз олдидаги ота-оналик бурчини виждонда адо этган бўламиз.

Ҳамдам **ТҮЙЧИЕВ**

Тошкент вилояти «Гишт кўприк» чегара божхона пости ходимлари томонидан Москва — 412» русумли давлат белгиси К 60-58 ТН автоулов туҳтатиб текширилди. Натияжада фуқаро Асар Файзуевнинг умумий нархи 29800 сумлик спиртли ичимлик махсулотларини яшири ҳолда Республикасиз ҳудудига олиб кўриқмоқчи бўлганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилмақда.

ҚАРМОҚҚА ИЛИНИШДИ

Фаргона вилояти, Узбекистон туманида яшайди. Яйпан шаҳридаги Серкун заводиди ҳадовчи бўлиб ишлайди. Катта бизнес қилмоқчи бўлади. Шу мақсадда «Нива» русумли «М 98-В7 ФЕ» давлат белгилли енгил автомашинасига Тожикистон Республикасига боради. У ердан айланма йул орқали 239400 сумлик 532 литр спиртни олиб келетган эди. Лекин «Ровот» божхона маскани ходимлари ҳужатсиз бу махсулотларни Узбекистонга кир-

ритишмади. Унинг эгаси эса қўнун олдида жавоб беради.

З-сонли «Ховест» божхона маскани ходимлари, нақлиёт милицияси ҳақида миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда «Ховест» темир йул бекатида рейд утказилди. Осма кўприк орқали кетаётган шубҳали йўловчи туҳтатиб текширилганда, унинг рангли куртаси ичидан шеплофан халтага уралган ҳолдаги бир ки-

Божхона хабарлари

лограммдан ортиқ оғий ва 43,8 грамм геронин наркотик моддаси топилди. Тожикистон фуқароси бўлган А. Шукуров устидан жиноий иш қўзғатилди.

Наркотик моддаларини республикадан бу республиккага олиб утишда Абдуллатиф Холдоровдан утадигани топилмас керак. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Ипақ йўли кучасидаги 37-уйда истиқомат қилувчи бу шахс

Қирғизистондан бир килограмм қора дорини 10000 сумга сотиб олади ва уни «Тико» энгил машинасининг уриниди остига жойлагани Тошкентта шошилади. Бироқ «Кери-лакабди» хизмат ити унинг сирини ошқор қилиб қўлади. Айни пайтда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмақда.

К. ТОШ, М. БЕК

«Кунларнинг бирида...» танловига

БИРИНЧИ
МУҲАББАТИМ ЭДИ

Уни ҳеч унута олмаёяман. Унинг ширин сузлари, қаҳ-қаҳ отиб кулишлари, ҳамон ёдимдан чиқмайди. Айниқса, «Мен сенсиз яшаёлмайман, сени севаман, сенсиз дунё менга қоронгу, туну кун сени уйлайман. Фақат сени жонимдан ортиқ кураман», деганлари ҳануз қулгим остида жаранглаб туради. Нима қилай, тақдир... Пешонага нима ёзилса, шуни кўрар экансан.

Мен у билан 11-синфда ўқиб кезларимда 8-март куни танишиб қолдим. Унинг муомаласи, чиройли рақсга тушиши билан бошқа болалардан ажралиб турар эди. Илк бор у билан уша куни гаплашганман. Унинг истараси мени узига жалб қилиб турар эди. Дарс пайтларида, уйга келган вақтларим ҳам, уни уйлайдиган бўлиб қолдим. У менинг ҳаёлимни ўғирлаган эди. Ҳаётимда учратган биринчи муҳаббатим эди у.

У ҳам мени чин дилдан севиб қолди. Унинг ҳам ҳаётда биринчи учратган қизи мен эканман. У мени кўрмасга туролмас. Кунора мактабга урқоқлари билан келиб турадиган бўлди. Шу йўсинда мактабни ҳам тугатдик. Мактабни битирдик у, ҳаммамиз эркин ҳаётга қадам ташладик. Мен уни икки-уч ойда бир курадиган бўлдим. Чунки узим ўқиш ташвишида, у эса узининг иши билан овоза бўлиб кетди. Учрашиб қолганимизда «Мен сенга уйланаман», деб кўп айтарди. Мен эса кулиб қўярдим.

Шу тариқа орадан 5 йил ўтди. Бир куни у менга «Мени ота-онам уйлантирмоқчи. Сени уларга айтдим. Ҳатто расмингни ҳам курсатдим, улар рози, индин уйларинга келади», деди. Мен уйимизга келадиган меҳмонлар

учун ҳар-хил пишириқлар, турли кил овқатлар ва ширмой нонлар ёпиб кутдим. Жуда кўп кутдим. Аммо, на меҳмонлардан ва на ундан дарак йўқ эди. Кейин бир дугонанинг гапига қараганда, уларни биров айнитибди. Уғилларини эса холасининг қизига унаштирмоқчи бўлганида у розилик бермаган экан. Кейин эса бошқа қизга унаштиришибди.

Бир куни янгамга овқат бергани туғруқхонага кетатиб, уни учратиб қолдим. Узимни зўрга тутиб олиб, у билан кўришдим. У эса мендан кўзини олиб қочар, ҳадеб бу ишда ота-онасини айблар эди. Унинг онаси углининг келажига нималар кутаётганлиги ҳақида фол очирганда «Бир қизни яхши кўради, лекин у қиз билан турмуши яхши бўлмайди, бахтсиз бўлади», деган эмиш. У бу гапга ишонмай узи ҳам бориб очирибди. «Бахтсиз бўласан», деган гапларни эшитиб жуда хафа бўлибди.

У «терапияга» ошқозони оғриганлиги туфайли тушган экан. Тез соғайиб кетсин, деб уни кургани бориб турдим. Ҳар борганимда тўлиб-тошиб борардим. У мени кувонч билан кўтиб олар, дўстлари «Унаштирган қизингми жура, бир-бирларинга жуда ухшаб кетасизлар, қандай бахтлисизлар», — деб, ҳавас билан қарашарди. У эса ерга қараб жим утирарди.

«Йигит, қани ғуруринг? Қаёққа кетди шунча ваъдаларинг? Менинг ҳаёлимни ўғирлаб, тинчгина оромимни бузмасанг бўлмасмиди? Нега уша пайтлари «йўқ» десамда ортимдан қошиб, ҳол-жонимга қўймадинг, нега мурғаккина қалбимга кириб олгандан кейин юз ўгирдинг?» — деб ортимга жимгина қайтардим. Бу гапларни унга айтмадим. У билан мен бахтсиз бўлармишман, деган совуқ гапларни эшитиб, ўнинг олдида паст кетгим келмади.

Унаштирилгандан сўнг бир йилдан кейин тўйи бўлди. Дўстларимнинг гапига қараганда тўй яхши ўтибди. Мен уларга «Бахтли бўлишин», деган гапдан булак ҳеч нарса дера олмастим. Чунки мени уни йўқотиб қўйиб, кўникиб қолганман, юрагимда ёниб ўчган чўғлар кулга айланганига бир йил бўлганди. Мен уни йўқотиб қўйганимга ачинмайман, аммо биринчи севгим тошга уйилиб ёзилгандай, юрагимнинг бир четиде муҳрланиб қолганди.

Орадан яна бир йил ўтди. Бир куни унинг ёшгина онаси қанақадир касалликдан оламдан ўтди.

Онасининг қирқи ўтмасдан у ўғилчали бўлиб, тонга яқин эса ўғилдан ҳам ажралиб қолибди.

Мен уни укаларига, сингилларига бош бўлиб, оила юки зиммасига тушган бир пайтда, гагим ҳолда учратдим. У ҳали ҳам уша қийимда — оқ кўйлак ва жундан тўқилган «жакетда» эди.

У менга «ҳеч кимни онаи зоридан айирмасин экан», деб «ўқ» тортиди. Мен бўлса «жойи жаннатда бўлсин, бу ёғи энди укаларинга қара», деб кўнглига тасалли бера олдим холос. Дилимда эса ушбу байтлар таҳроқла-навбарди:

*Эй қизил чўғ, бағрим ёққан чўғ,
Сени менга душман, дедилар
Муҳаббатга ишонма, Ойсар
У шунчаки афсун, дедилар.
Ва мен чўғда айланган кулга.
Турт тарафга сочилди бу тан,
Совурилди кўкларга кулим,
Агар кўзи қиймасе Ўлим,
Узингиз йиғланг, мен улган куним
Шунда Сиздан рози бўламан.*

О. МУРОДОВА
Самарқанд вилояти

Қ У Л Ф Н И
ЎЗИМ ОЧДИМ...

1975 йил мактабни битириб, оилавий шароитим туфайли узим орзу қилган ўқишга боролмай, туман халқ таълими бўлимига ёрдамчи ҳисобчи бўлиб ишга кирдим.

Кунлардан бир куни бир қўшнимиз (раҳматли жудаям ғийбатчи, Ёлгончи аёл эди) менга: «Сен бежо қадам ташлаб юрибсан, янги йилда ичиб маст бўлиб қолибсан. Фалончи олиб келиб қўйибди, узи айтди», — деди. Бу гап менга жуда ёмон таъсир қилди. Чунки у пайт ёшгина, энди мактабни битирган қиз эдим-да. Ароқни қаердан биламан. У пайт-ку, ёш эдим, ҳозир-гача ҳам бир кўлтурм ичимликни оғзимга олган эмасман.

Хуллас, бун эшитиб аёлга шу гапни айтган кишининг уйига бордим. Узи бу киши бизга узокроқ амаки бўладилар. Борсам оталари — амаки-миз утирган эканлар. Мен ўғилларини сурадим. У киши нима гапиги билан қизикди. Мен айтдим. Амакининг жаҳллари чиқиб кетди: «Юр, мен узин унинг олдига бораман, аканг ишда, Янгиерда», — дедилар.

Иккаламиз қўшнимизникига чиқдик. — Сен ғийбатчи, Ёлгончи, келиб-келиб шу гудак қизча ҳақида гап тарқатдингми? Яна келиб-келиб менинг ўғлим айтди, дебсан. Ўғлим ҳозир уйда йўқ. Булса узи келарди. Мен чидолмай, узим келаяман, олдингга, — дедилар амакимиз.

Бир икки оғиз гапданоқ аёлнинг Ёлгончилиги уз-ўзидан билиниб қолди. Амаким газабини тўкиб солчак, кетди. Мен ҳам уйимизга йўл олдим. Ёлғони очилиб, мулазам бўлиб қолган аёл орқандан:

— Эй, Ҳалима, шу қилганинг учун сени бахтингни боғлаб ўттизга киргунингча турмуш қурдирмайман, — деб бақирди.

— Майли, қўлингдан келганини қилавер, — деб йўлимда кетавердим. Кейинчалик бора-бора бу воқеа эсимдан чиқиб кетди.

Менинг орзум олийгоҳга кириб ўқиш, она тили ва адабиётни ўқитувчини бўлиш эди. Шериятга, журналистикага қизиқишим жуда катта эди. Ўқишга бормоқчи бўлгандим, онам: «Далага чиқиб ишла, акагни уйлантирайлик, кейин ўқирсан», — дедилар. Мен ҳам рози бўлдим. 6 йил ўтди. Акамини уйлантирдик. Мен олийгоҳга ўқишга кириш учун тайёрлана бошладим. Бу орада неча бор совчилар келди. Лекин мен «қўйман», деб туриб олдим. Онам менинг кўнглимга қарадилар. Хуллас, мактабни битирганимга 6 йил тулғак, менга ўқиш учун оилавий шароит яратилди. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз, уз кучим билан талаба бўлдим. 4 йил талабалик даври ҳам ўтиб кетди. Бу орада бир неча жойдан совчилар келди. Лекин мен ҳечам турмушга чиқишни истамасдим. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, узим ўқиган мактабга ишга келдим. Узимча, бир-икки йил ишлаб аспирантурага бораман, деб тайёрлана бошладим.

Бир куни бир дугонанинг таклифи билан фол очишга бордик. Фолбин кампир аввалига узимни жуда мақтади. Ёшлигимда менга жуда кўп кишилар харидор бўлган, айниқса кексалар меҳнатсеварлигимни қуриб ҳавас қилишларини айтди. Лекин бир аёл киши менинг бахтингни боғлаб ташлаганини, боғлаганда ҳам қўлф билан боғлаб, уни сувга ташлаганини, қўлф талғобор булганларнинг ҳам шуининг учун айнаиб кетишларини айтди. «Бу қўлфни мен очтишим мумкин. Бўлмаса уша аёл улмағунича турмушга чиқолмайсан», — деб айтди. Мен ҳали аспирантурага киришим керак. Ҳали қўлф очирмайман», дедим. Лекин, нимагадир шу воқеадан кейин қўшни аёлнинг «Сени бахтингни боғлаб, 30 га киргунингча олиб утирмасамми?» — деган гапи тез-тез қулгим остида жаранглайдиган бўлди. Бу орада ёшим ҳам 32 га кирди. Ҳужжатларим тўғри бўлмай аспирантура ҳам кечичи кетаверди.

Шу орада тасодифми ёки у аёлнинг ишлари ҳудого ёқмадим, эллика қирар-қирмас оламдан ўтди. Лекин уша пайт унинг улими менинг тақдиримга алоқаси борлигини уйлаб курганим ҳам йўқ. Шу пайтгача дугоналарим, қариндошлар, ҳамкасблар қанча-қанча «куёв»лар топилганди. Ҳаммасини кўрмасдан рад этардим. Умуман, бу мавзуда сўхбатлашишни ҳам истамас эдим.

Кунлардан бир кун дугонам бир йигит ҳақида гапириб қолди. Мендан уч ёш катта экану, лекин уйланиб фарзанд кўрмаган экан. «Мен онамга маслаҳат қилдим. Шу пайтгача турмушга чиқиш деса, қовоқлари осилиб кетадиган қизнинг узи бу ҳақда гап очгани онамини ҳайрон қолдирди, ҳам хурсанд қилди. Бир оз уйланиб турдиларда: «Нега ажрашган экан?», — деб сурадилар. Мен: «Фарзанд бўлмаган экан», — дедим. — «Қизим, бу қарорингни эшитиш мен учун катта бахт. Лекин фарзандсиз йигитга турмушга чиқиш хавфли. Чунки фарзандсизликнинг купчилигида эркаклар айбдор бўлади», — дедилар онам. — Шунча келиб-кетётганининг бирига турмушга чиқаман десанг, ўзингга моси чиқиб қолар. Пешонангга нима ёзилган бўлса, шу бўлади, болам», — дедилар.

Шу пайтгача «турмушга чиқмайман», деб қатъий гапирганим учун икки-лашиб юрган онам менга атаб бирор нарса олиб қўймаган ёки бирор нарса тикиб қўймаган эди. Шу гапдан кейин бозорга бориб турли хил бахмаллардан курпалликлар олиб келиб тика бошладим.

Бир кун ишдан келсам бир кампир совчиликка келганини айтди. Йигитнинг биринчи оиласи бузилган экан. Улар яна бир ўғлини уйлантирмоқчи эканлар.

Дам олиш куни эди. Телевизорда «Равшан ва Зулхумор» достонини бахшилар қўйлаётган ва мен эшитириш учун мағнит тасмасига ёзиб олаётгандим. Онам кириб уша кампир ўғли билан яна келганини, мени қўрмоқчилигини айтди...

Уша куни оқшом туш қўрдим. Тушимда кучадан бир калит толиб олибман. У калитни олиб бир қоронғи уйга кирибман. Тепага-бурчакка қарасам бир қўлф осиглиқ турибди. Атрофини пўпанаклар, ўрғимчак уялари босиб кетганмиш. Нарвонни қўйиб чиқиб қўлфни қулгимга олибман, Қарасам, занг босиб кетганимиш. Қулгимдаги калитни тикиб бурасам очилибди. Олиб чиқиб кўчага отиб юборибман...

Шундай қилиб, тўйимиз бўлди ҳозир 3 та фарзандимиз бор.

Ҳалима САМАНОВА,
Сирдарё вилояти, Ховос тумани





Акс-садо

«СИЗ КЕЛИБ КЕТДИНГИЗ-У...»

(«Оила ва жамият» 25-сон)

...Бу мақоладаги (исми берилмаган экан) синглизмининг дил дардларини ситиб чиқариб, укувчиларга етказиш... оғир оғриқдир.

Яхши оилада қадр топган, яхши орзу, ширин ниятларни истаб мақсадига етган синглизинг маҳрум орти. Лекин ҳаёт чархпалагининг тескари айланиши унинг мурғак жисмига озор бергани аламлидир. Ҳаёт зарарига да нима нар бўлмади. Синглизини мен «Иродаси бут, мустаҳкам, мард киз», деб билдим. Шу уринда ҳозирги ёшларга эътирозим ҳам йўқ эмас. Иродаси буш, ақли саёз, ота-онага боқиманда навқорон усмир йигитлар анагина. Синглизинг ҳам ана шундай йигитлардан бирга тақдирини болмақчи бўлган. Афсуски, бундай дилозор йигитнинг ҳудудна қилмиши очилди, киз тугри йул тутган. Ҳа, бундай иродаси буш, севги-садоқатда сазв йигитдан келажакда нимамай кутиш мумкин?

Шу уринда беихтиёр ҳайкириб, «Бардам бўлинг, синглизинг, бахтингиз ҳали олдинда, сиз ҳали бахтли-тахтли бўласиз», дегим келди.

Мақоланинг охириги сатрларини ўқиб тугатар эканман, менинг осмонидан ҳам қора булут соя ташлаб, тегамда айланиб утганлиги ва йиллар шамолда бу аждаҳо сифат булут уринда нурилу кум-кук мовий булутлар кезиб жисмида бошқача бир олам кайфияти мавж урганди.

Бунга анча йиллар бўлди. Институтни битириб, пойтахтдаги катта даргоҳда ўз соҳам бўйича иш бошладим. Мен тугилиб усган жой бу ердан унчалик узоқ эмас, уйга бир-бир ярим соатлик йул эди. Ҳар ой охири дам олиш кунлариде ота-онам, укаларим қошига бориб-келиб туриш мен учун оғир эмас эди.

Ишонмаддаги бир киз билан яхши куришиб қолдик. Кун кетидан кун, ой кетидан ой утарди. Сайлгоҳларни, оромгоҳларни айланиб юриб олдиндаги ширин орузларни режалаштирадими? У мен туй муносабати билан билдирган фикримга рози эди. Аллоҳ иккимизга ато этмоқчи бўлган

бахта мўъсардек эдик. Корхонада ҳам обрў-эътиборимиз зиёда эди, барча кекса-ю ёш бизга бошқача бир ҳавас билан боқар эди. Сунг нима бўлди денг.

Х. билан уртамаздаги муносабатни ота-оналари билишиб, кизнинг холаси, аммаси вақил сифатида мен томонни урганишга киришди. Кунлар ўтаверди. Хуллас, суров, суриштириш, кузатишлардан сунг, улар анча муддат куришмай кетишди.

Хулоса чиқаришга шошилишмасди. Шу дамларда иш кутайиб кетганиги учунми, узим билан узим андармон эдим. Бир гал хонамга Х. кириб келди. Юзида, нигоҳларида бошқача ўзгариш сездим, тик боқиб кулиб турғувчи кузлари маънос, ҳавли паршондек туюлди менга. Булар ишингиз кутлиги оқибатидан деб уйландим. Хонадан кераклик материалларни олиб чиқиб кетаётганида тухтаиб сурадим: — Сизга нима бўлди, мазан-гиз йўқми?

У бўлса қулидаги қоғозлардан кузини узмасди.

— Хоҳласангиз ишдан сунг, чарчоғимизни ёзиб учун бироз айлансак, — дея илтижо қилдим.

У: — Қайдам, — дея елка қоқди, сунг, — Нозим ака, — деди яқинроқ келиб, — энди бундан кейин, шихонада фақат иш турисида гапласанк. Сизга оғир ботмасинун, мен энди сиз билан учрашувларга чиқа олмайман.

Унинг овози маънос чикди. — Сизга нима бўлди, очикроқ гапирсангиз...

— Уйимиздагилар мени узоққа турмушга чиқарганига қарши.

— Сиз узингизчи, уйлаб қурдингизми?

— Ҳа, мен ҳам уйлаб қурдим...

— Демак, сиз ҳам шунга рози экансизда, Майли, зоримиз бор,

зуримиз йўқ, — дея олдим зуримиз.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

— Манзил узоқ, манзилнинг боролмайман, денг... Бу бизнинг сайларимиз, учрашувларимизга қўйилган сунгги нуқта эди. Бошимни столдан зурга қурдим. Шу зумда узимни бу кенж оламда яқна ёлғиз сездим, кунгилмидан, бўзимдан шундай нидо отилиб кетди: — Агар, агар турмуш деганларни шундай шафқатсиз бўлса... энди бошқа, энди бошқа қайтиб...

Х. бошимни қўйи эгганича ташқарига оҳиста чиқиб кетди.

Бир гал бошлигининг столи устида Х. нинг аризагани кириб қолдим. «Ўз арзимизга кура...» деб бошланарди... У зини мендан олиб қочар, иш юзасидан эса жуда кам гаплашардик. Лекин, мен яна шунини сезардимки, ҳар иккимиз ҳам бир-биримизни ҳар курганда бир хил аҳволни бошдан кечирардик... Қалбларимиз бир орзани кетар, бир хил оғриқни туйардик.

У ишдан кетди. Орадан бирон йил ўтди. Ҳамма нарса унутилиб, янги вазифага қутарилгач, ишларим тагин ҳам қулайиб кетди. Бир кун чала қолган ёзув ишларимни тугатиб олиш учун йирига баравақ келдим. Коридорда фаррош аёл олдида кекса нуруний онахон мени кутиб турарди. Салом-алиқдан сунг, онахон менда, икки оғиз гапи борлигини айтди. Ичкарига таклиф қилдим. У стуллардан бирга жойлашиб олгач, фотиҳага қул очиб ишимнинг ривожини тилади.

— Нозимжон сиз бўласизми? — деди у ниҳоят.

— Келинг, онахон, сизни шунчалик баравақ келишга нима мажбур қилди? — сурадим мен.

— Кексалиқда, болам, қуш

уйқуси бўлиб қолганман. Сизга бир учрашай, деб дилимга тугиб қуйганим, қаранг, шу ҳаёлда баравақ туриб келаверибман.

— Яхшида, онахон, қўлимдан келса хизматингизга тайёрман.

Онахон бирчунда вақт сукут сақлаб турдида гап очди: — Мен болам Х.нинг онаси-ман. Галнинг индаллоси, қизим билан урталарингиздаги муносабатнинг узинлиб қолганининг сабабини билгани келдим. Х. энг кенжа фарзандим. Бошқалари уйли-жойли бўлиб, чиқиб кетишган, дадаси билан мен нафақадимиз, икковимиз ҳам узоқ йиллар мактабда дарс бериб келдик. Ҳозир қарилки гашти, айланай...

Биз қизимизнинг ўқимшли, ҳунарли йигитга турмушга чиқишини ўз ихтиёрига қуйгандик. Бир жойда ишлаб, муносабатларингиз яқинлигини эшитиб, кунгилмиз тинч эди. Қизимизнинг ишдан бўшаб кетганини кейин билиб қолдик. Ҳамма балони аммаси қилганлигини эшитиб, қолиб дилимиз зурфон бўлди, болам.

Мен жойимда михланиб қолгандек эдим. Бироз сукут сақлаб тургач:

— Биз қайтиб учрашмасликка қилишганимиз, энди булар иш бўлиб ўтди, фойдаси йўқ онахон, — дедим. — Бизнинг учрашув туришимизни сиз томондаги пил таъқиқлаб қўйгандан сунг, биз бошқа нарсага ҳақида уйламай қўйдик.

— Болам, ота билан она яхши бўлсин, тинч бўлсин дейди. Буни ота-онанинг айтиби билан, деб тўшунманг. Бу ёғи сизга ҳавола, болам. Оғир, вазимни йигит экансиз, яхшилаб уйлаб қуринг. Менга деса икковингиз ҳам чўқур мулоҳаза қилиб бир қарога келишларингиз лозим. Она чўқур тин олди. Сунг

урнидан туриб хайрлашди. Уни кузатиб қўйиб, бусағада узоқ туриб қолдим. Юрагим ҳарикарди. Онанинг гаплари ҳавлимни паршон қилиб қуйганди. Х.дан энди юрагим совиб булганди. Лекин наҳотки Х. ҳали ҳам шу ҳиссиётлар билан яшаётган бўлса, орамизда унутилиши лозим бўлган нарсани наҳотки ҳали унутмаган бўлса, дейман. Энди орадан галвир кутарилган, лойқаланган сув тинган, ҳаммаси унутилган эди... Пойдевори дарз кетган севги-муҳаббат иморатини тиклаш мен учун бўлмагур иш эди. Назаримда бизнинг бахт эшигимиз маҳкам беркитилган эди.

Мен шихонада узоқ ишлаб қолмайдим. Ҳаёлимда иш жойимнинг ҳар бир хонасидан, ҳар бир бурчагидан Х. чиқиб келаятгандай бўлиб қолди. Арза бериб бўшадим. Вилоятлардан бирига, шакар жомиятига ишга бордим. Янги жой, янги одамлар, янгича фикрлаш. Ҳаёт тарзини, туриш-турмушини ўзгартиб кетди. У ерда — одамлар орасида ҳаётнинг узғача тарзини ургандим. Турт-беш йил ишлаб ана севаими соҳамга қайтишни ниёт қилдим.

Ҳозирда болишим, курнаю курпачам китоб бўлиб қолган. Худога шукур, яхши одамлар, дустлар қучоғидаман.

Ота-онамнинг уйлантириш масаласидаги гапларига шу воқеалардан кейин амал қилмадим. Улар ҳам шунга қуниқибди. Ихтиёримни узимга топширишди.

Ана шундақ гаплар... Инсон кунгли ишдан наозик экан... Тақдиринг қўшилмагандан кейин илоҳ қанча? Ушбу мақоладаги синглизининг тақдирини менинг кечмишларимга ухшаш экан.

Мақола менинг утилмишим, муҳаббатда кенган фароғатли дамларимни ёдга солди. Жонимга, қалбимга озор, оғриқлар берган бўлса ҳам ёшлик чолларим барибир гузал, жозибали, унутилмасдир. Муҳаббат ёшидаги барча укалар, сингилларимга ёшликнинг қадрига етинлар, бу йўлда хато қилманлар, дегим келайди...

Нозим ХУЖАЕВ, Тошкент

«РЕДАКЦИЯГА ҚЎНГИРОҚЛАРДАН БИРИ»

(«Оила ва жамият» 30-сон)

Бу мақола мени қўлимга қалам олишга ундади. Мақоладаги қиз ўз бахтини топди. Мен эса мана олти йилдирки, азобдамман. Гўё ҳозир шу сатрларни ёзсам, кунгилмиз тинчйидиғандай. Тўнлари тўшакда тўлганман. Ҳаёлимда эса Муаззам гавдаланди. Унинг қаери менга ёқиб қолганлигини билмайман.

Оилада тинчлик йўқлиги, хотинимнинг ҳудда-беҳудага рашқчилиги, жанжалкашлиги шунга сабаб бўлгандир, билмайман. Муаззам билан корхонага ишга келиб танишдим. Муносабатларимиз яхши эди. Бора-бора ақтириб қолдим. Муҳаббат йигирма ёшида эмас, балки қирққа кирганида излаб топганини англаб етдим. Ёшлик пайтида келса бўлмасиди. Хуллас, ҳаловатим йўқолди. Утиб кетар деб уйландим, қавқда дейсиз. У биринчи турмушдан ажраган эди. Менинг девоналардай севилишимни у сезиб қолди. Ава-

лига қулди, негаки орамизда ёш фарқи анчалгина эди. Муаззам ҳам мени ёқтира бошлаганини сезардим. Бироқ, хотиним сезиб қолиб, уйига бориб туполок қилди. У мендан хафа бўлди, бироқ хотинимга Худо бас келмаса, бандаси келмайдиганлигини билмас эди.

Корхонада гап-сузлар, тўполоқлар қуяверди. Иш охири шунга етиб бордик, мен хотиним билан ажрашдим, мана ўй йилдирки, алиментчиман. Мен бу жанжалларга эртаниг кун умиди билан чидадим. Бироқ Муаззам иккинчи мартаба турмушга чиқиб кетди. Ушанда пахта теримда эдим, эшитиб бутун оёқ-қўлим музлаб кетди. Кечқурун пахта даласига бориб, юрагимни бушатиб олардим. Дийдам қаттиқ эди, бироқ, йилгагим, олис-олисларга қочиб

кеттим келарди. Мен ахир уни деб ажралишган эдим, уни деб ҳамма нарсадан воз кечдим. Эҳтимол тўйимиз бўлса, бирга борамиз, деб Бирлашган Араб Амирлигига йўлнамиз олган эдим, бир узим кетдим. Дубайнинг сулми қучаларида, бөлөөн денгиз соҳилларида севгимни йўқотиб, аччиқ-аччиқ йилгадим.

Бутун эса ўша Муаззам яна қайтиб келди. Турмуш бўлмабди. Эҳтимол мен бахтсизингиз қўш вилари, охи Худога етандир. Билмадим... Яна кунгилмида умид чорхлариди ёнди... Балки тақдиримиз тугри келар. Балки менинг пешонам шурдир. Яққо-яқона олам биринчи турмушдан сунг, уйига со-вчи бўлиб борган ва қуруқ қайтган эди. Энди эса менга ердан берадиган, мени ту-

шундадиган ҳақ ким йўқ. Муаззамга сўз очгани қўрқаман, негаки яна қовун тушуриб қўйишдан қўрқаман. Чунки менинг севгимни бир сузлик, қайсарлигини ахши билмаман. Уйдаги асабий ҳаёт шундай жонинга тегдикки, Муаззамни уйланингимда эса кунгилмиз равшанлашиб кетди.

Бу ёғи ёлғиз Худога аён. Мени ҳеч ким тўшунмади, дардим эса даъвосиз. Тўшунганлар бор, ачиниб ёрдам бермоқчи бўлишарди, бироқ ундан рад жа-вобини олиб келишарди. Яна йилгайман, бироқ умидимни узмайман. Ҳаёт эса ута-япти. Охири нима билан тугайди, билмайман. Хуллас, сарсон саргардон бўлдим. Қани эди қўксимдан юрагимни узиб ташласам, у узоқ узоқларга отсам. Қўтуларимдими, ҳозирча эса безовта ду-киллар, мажнун ЮРАГИМ.

Одилжон ХУСАНОВ

БИР ҲАФТАЛИК КЕЛИНЧАК

Яқинда қизалогини шамоллаб қолгани сабаб, Қўқон шаҳар касалхонасида даволандик. Мен билан ёнма-ён бир аёл фарзанди олитб ётарди. Аёл ҳеч гапирмас, гапирсам, жавоб қайтармасди. Кейин билсам бу аёл қар-соқов экан. Мен уйланиб қолдим, «бир кам дунё», — деганларни шу экан-да. Хусни, одоби жойида. Қулида ҳали чилласи чиқмаган гудак билан нега касалхонага тушди, экан? Бола бечора ҳадеб чинкириб йиллар, она эса унга қараб йилларда.

Мен қалам ва дафтар олиб у билан гаплашиш истагим борлигини ёзиб бердим. У менга «хўп бўлади», ишорасини қилиб ўз қисматиини ёза бошлади. Мен унга қараб ўтирдим. Шундай қилиб биз қоғоз ва қаламдан фойдаландик. «Мен — Гулбахор Содиқова, ота-онамдан жуда эрта тирик етим қолганман, — деб ёза бошлади у. — Оилада мендан бошқа фарзанд қуришмаган экан, шунга ҳурсандман, чунки улар ҳам мендек қийналишларини хоҳламайман.

тори катта қилишди. Лекин вояга етганимда мени қар-соқовлар интернетда ҳам ўқиб ҳам даволатиш-нин истамади. Фақат уйдаги юмушлар билан банд бўлишимни хоҳлашар эди. Мен ҳаммасига қуниқдим. Мени қўчага чиқармас, ҳеч кимга қўшишмас ҳам эди. Чунки, мени гапира олмаслигимдан ор қилишар экан. Кунларнинг биринида амакимнинг угли Гивс акам уйланди. Туй-томоша қилиб, келин олиб келишди. Келиноним билан жуда яхши чиқишиб, бир-биримизни тушунадиган бўлиб қолдик. Аммо бир кун кечқурун Гивс ака келиноним билан уришиб қолдилар. Келинонимга «сени талоқ қилдим», — дебдилар. Улар ажрашган келиноним ҳам икки йил ичида бошқа йигитга эрга тегиб кетди. Гивс акамнинг келинонимдан кунгли қолмаган экан. Келинонимнинг йулидан чиқиб ҳеч ўз холига қўярда-қўймай у билан ярашиш истагани билдиравеган. Келиноним ҳам шундан сунг турмушдан ажралган. Улар қайтадан турмуш қуриш учун муллага боришса, энди аввал янги хотинга уйланасиз, сунг унинг жаवобини бериб юборасиз. Ана ундан кейин йўлингиз очилди. Аввалги хотинингиз билан шундагина ярашишингиз мумкин», — деб

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

тўшунтирибди. Шундан сунг амаким ва хотини бу вазиятдан қутулиш мақсадида мени Гивс акамга никоҳ ўқитиб хотин қилиб беришди. Аммо менга оталик қилган амакимнинг бу «ҳийла»сини сунг англадим.

Мен бир ҳафталик келин бўлдим ҳолос. Улар мени уйларида қарикриб қўришди. Гивс акам шундан сунг мулла маслаҳатига амал қилиб ўша биринчи хотинини никоҳига қайта олди. Мен эса ўша бир ҳафта давомида ҳомиладор бўлган эканман. Фарзандни эсон-омон тугиб ҳам олдим.

Мана бир йилдирки, дугонамнинг уйида истиқомат қиляпман. Фарзандим шамоллаб қолди, ҳеч тўзалиб кетмайди. Узим аросатда қолдим. Дугонаникида узоқ яшолмайман-қу, кейинчалик қаерга бораман, билмайман...

Аввалинг дараҳ-ҳасратидан оғоҳ бўларканман, инсон қадр-қиймати ҳақида уйландим. Қон-қариндошликнинг ана шундақ «уйин»лари одамқарчилик қордаларидан нақадар йироқ эканлигиндан юракдан изтироб чекдим...

Мадина МУҲИДДИНОВА

КУТЛАЙМИЗ!

Хурматли Шокиржон
Абдуназаров!
ЭШБОЛТАЕВ!



Таваллуд кунинг ва талабалик айёминг билан чин қалбимиздан кутлаймиз! Умр йўлдошинг Дилдорахон ва асал қизчанг

Хилолаҳоннинг, ҳамда сени суйган барча оила аъзоларинг бахтига соғ-саломат бўлгин. Уқшларингда омад, оилангда бахт ёр бўлсин.

Ота-онанг, аканг Комилжон Эшболтаев, янганг Баҳорой, сингилларинг Гулчехра, Шоҳида, Сарвиноз.

Сурхондарё вилояти,
Қумқургон тумани,
С. Бойматов Ж. хўжалиги
Янгиер қишлоғи

САХОВАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Якшанба кунларининг бирида кўшимизниқидида ўғил тўйи бўлиб, бир автобус хотинлар кириб келишди. Қуда-андалар, қариндошлар унинг турига, ёш-яланглар, кўшниллар эса ҳовлида ясалган стол-стулларга утиришга таклиф қилинди. Қуда томон ҳам, той ясаиб келган томон ҳам узига туқ оилалардан эканлиги сезилиб турарди. Уйин кулги бошланди. Хонанда ва созандаларнинг кети узилмай, навбатма-навбат кела бошлашди. Ҳаммининг кайфияти чоқ, аёлларнинг бир-биридан гузаллиги, бир-биридан башанг, чиройли либослар кийганидан кўзингиз қамашади.

Менинг ёнимда мунисгина, ёқимтойна бир аёл утирарди. У ҳаммадай башанг кийинмаганди... Кайфияти негадир тушқун. Унинг бу ҳолати эътиборимни тортди. Сўхбатлашиб утирдик. Маълум бўлишича аёл уз жигаргушаларидан андек ранжибди. Тўрт фарзанди бор экан. Бу ҳовлига қуда бўлиб кириб келган аёл-келиноийси экан. — «Менга унчалик руйхуш бермай утирганларининг ҳам сабаби бор, — дея сўзини давом эттирди аёл. Бу галги тўйларига мен тузукроқ сарпо қилиб келолмадим. Амаллаб рўзгоримдан чегириб бир тоғора ширинлик ва бир кийимлик қилиб келолдим, холос. Шу кунларда бироз кийинлиброқ яшайламан. Бир кунни ота-онамникига бордим. Акамдан ёрдам беришларини сўрадим. «Битта сен эмас мен ҳам болаларимни амаллаб боқаялман. Улмадингни, келиноийнгнидан» деб мени уз акам койиб берди. Узи эшикдан

кириб борганимда мени қурмаганга олиб, сурашмай уйига кириб кетган кенойимдан кунглим ранжиган эди. Шу ҳовлидан — ўзим улгайиб, усан ҳовлимдан қай аҳволда чиқиб кетганимни билмайман. Ийглаб-ийглаб уйимга қуруқ қайтдим. Қўзларим қизарганидан қайнонам сездилар шекилли, менга тасалли бердилар. Уша кун акамдан ҳам, кенойимдан ҳам кунглим қаттиқ ранжиди. Шундан буюн дилим сира ёришмайди.

Ҳа, шунда бу аёл қатор-қатор тортилатган тансиқ овқатлардан нима учун емаётганигини англадим. Бир қориндан талашиб тушган, ёшлиқнинг энг ширин дамларини бирга тотиган, бу товоқдан овқат еб усаб-улгайган жигарбандларнинг бунчалар бемехр бўлиб кетишганидан ранжидим.

Муштиллар аёлнинг келиноийси бўйнидаги тросслар, ясаиб келган тойлари, сарполари қўз унгимда қайта гавдаланди. Ахир қондох ака уз хотинига тросслар, энг охири модадаги либослар харид қилганида, қизига қимматбаҳо буюмлар совға қилганида, биргина синглиси қўз унғидан ўтмадимикани!? Туй учун юз минглаб ҳаражатлар қилганида синглисига уша қуни ақалли юз сум берганида кўнгли тоғдек кутарилмасмиди? Ахир бу синовли дунёда бир умр яшамаймиз-ку. Яқинларимизга меҳр-мурувватли бўлсак, дилимиз қувончга тулмайдими?

Мапрат ЗОКИРОВА

Шокиржон Абдуназаров
Эшболтаев!
Табаррук 60 ёшингиз муборак!
Сизга оллоҳдан узоқ умр, соғлиқ, ютуқлар тилаймиз.
Яккасарой тумани
ижтимоий таъминот бўлими ходимлари.



АЛМАШТИРАМАН ЁКИ СОТАМАН

6 хонали ҳовли, 4,5 сотих ери бор.
43-25-97.

Коттеж, X. Дустиги метроси ёнида.
Тел: 45-29-66
58-61-09

ИЖАРАГА КВАРТИРА
ОЛАМАН:
Тел: 58-31-23

Соғлиққа оид муаммоларга ёрдам бераман.
Тел: 42-83-03
191-11-29

КУТЛАЙМИЗ!

Хурматли
НИСМАЯТИЛЛО ака!



Сизни табаррук пайгамбар ёшингиз ҳамда набиралар туйи утказилдиغان қувончли кун билан муборак

бод этамиз. Сизга узоқ умр ва соғлиқ тилагувчи уқангиз

Маҳаммад Солиҳ

КУТЛАЙМИЗ!

Азиз набираниз
САРДОРХҲҲА.



Туғилган кунинг билан табаруклаймиз! Ота-онанг сенинг камолингни, бахтингни, орзу-ҳавасингни қуриб узоқ умр қуриб юрсинлар.

Бобонг Садриддин
Тулаганхўжаев ва буюнги
Лолаҳон Тулаганхўжаева.

ТУЙХАТ КИЗЛАРГА ҚҮЛ КҮТАРИЛАЙДИ...

Зухриддин ака Муҳаммедовни таниш-билишлари етмиш ёшга тулди деб уйлашмайди, чоғи. Ёши улуг, аммо қуриниш жихатдан бардамлигига кишини ҳаваси келади. Унинг оддий даволовчиликдан то юқори лавозимларгача босиб утилган хизматларини санаб ўтиш ва олган қатор нишонларига алоҳида ургу беришни ўзимга эп билмадим. Бизнинг суҳбатимиз оқсоқолнинг уз оиласига қандай «ота»лик қилганлари ҳақида борди.

— **Зухриддин ака, юқори вазифаларда ишлагансиз. Лекин ўз оилангиз, фарзандларингизга қандай тарбия бергансиз?**

— Уқидим, турли идораларда тиббиёт хизматида ишладим. Нишоним ҳам бисёр. Мен оиладаги фарзандларимни ҳеч вақт «сиз»ламаганман. Қачонки фарзандимга танбёҳ бериш лозим бўлган кезде «сиз»лаганман. Яна шунки ҳам айтай қиз болага ҳеч вақт қул кутарилмайди.

— **Сиз ота ва бобо сифатида фарзандлар-уз, набираларга овутиш учун ҳеч «алла» айтганмисиз?**

— «Алла» айтганман, қачонки, онаси ҳаётий заруриятли ишлар билан банд бўлганида. «Алла»ни аёлларимиз айтсалар қалбида муқаммал сингийди.

— **Фарзандларингизга эртақ, топишмоқ айтасизми?**

— Уч қизим—Маликаҳон, Гулираъно, Дилором. Уғлим Зухриддинларга эртақ айтиб улгайттирдик. Ҳар бири тиббиётнинг турли соҳаларида намунали хизмат қилоқдалар. Ҳозир эса 7 та набира ҳамда бир эварамга Ал-помши ҳақидаги дostonни қуқиб берялман.

— **Бувижонимиз билан ҳаётингиз қандай кечяпти?**

— Кампирим ҳозир бир оз шамоллаган эди, шифохонда. олтмиш тўрт ёшга тулди. Қирқ беш йил турмуш қурдик. Уйда кампир бўлмагани учунми иштаҳам йуқ, илойим соғайиб кетсин. Кампирсиз уй ҳувиллаб қолар экан.

— **Етмиш ёшингиз муборак бўлсин. «Оила ва жамият» ижодкорлари оилангизга бахт тилайди.**

Мухтор БЕК

Арзи ҳол

ТАШВИШЛАР ЕТАРЛИ

Ҳурматли тахририят! Йўна орузим келажақда уқитувчи бўлиш эди. Ёш авлодга таълим беришдек улуг ният билан мактабни биттирдим. Лекин қўзлаган мақсадидаги эришолмадим. Олий ўқув юртига киришимга оилавий шароитим имкон бермади. Болалик орзуим армонга айланганча турмушга чиқдим. Тўрт нафар фарзандим бор. Турмуш урғотим мактавда лаборант бўлиб ишлайди, ярим ставкада ойлик олади. Узим уй бекасиман. Ҳозирги пайтда эр-хотин қуш-хуқиз бўлмасея рўзгор аравасини тортиб кетиш қийин. Шу боис мен ҳам оиламга нафим тегадиган бирор иш билан банд бўлмоқчиман. Ишга жойлашиш эса осон эмас. Айнқиқа менга ушчан урта маълумотли одамлар учун бу муаммони ҳал этиш анча мушкул. Турли хил сунъий тусиқлар учраши табиий. Эримнинг толганига қаноат қилиб утираверай десам 3 та фарзандимнинг қулини ҳалоллашимиз керак. Биласиз, ўзбекчиликда бундай удумларни эл юрғта ошкор этмасдан

ўтказиш ноқулай. Еган оғиз уялади ахир. Қисқаси, ташвишлар етарли, ниятим ишлаш, мўким бир иш-жойга эга бўлишлик. Шу мақсадда Сизларга арзи ҳол қилаялман.

Ҳолида Дусанова, Чироқчи тумани «Янги ҳаёт» қишлоғи.

Тахририятдан: Ҳолидаҳон ҳақ. Ҳозир битта эркакнинг толгани томоққа етмайди. Ҳар тўғул шунки тушунган аёлнинг садақаси кетса арзийди. Рўзгор тебратий учун эр-хотин баробар ҳаракат қилиши керак. Устига устак болалар улгайгани сайин ташвишлар ортиб боради. Уларни юрғта қушиш, юзини ёруғ қилиш ота-она бурнидир Ҳолидаҳон айнан фарзандларининг тақдирини уйлаб ишлаш ниятини билдирапти. Демак, уни фақат қўллаб-қувватлаш керак. Шундай экан. Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ҳокимлиги муҳлиси-миз Ҳолидаҳон истагини амалга оширишда ёрдам беради, деб умид қила-миз.

К. ТОШМИРЗАЕВ

ОИЛА-519

Тошкентлик, 38 ёшли, ажрашган аёл икки нафар фарзанди бор, алоҳида уйига эга, келишган, ораста жувон, оғир-вазмин, олижануб, фарзандларига ота бўлгувчи киши билан турмуш қуришни истайди.

РИЧ «Усувметалл» бирлашмасининг ҳисобида бўлган МА3-6422906 русумли, давлат рақами 10 АС 584 булган автотранспорт воситасига Узав-толицензия ташкилоти томондан берилган АТ № 0008437 сонли «Лицензия варақаси» йуқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КУТЛАЙМИЗ!

Ҳонадонимизнинг сулоқли
бекас, азиз
НАСИБАҲОН
АБДУЛЛАЕВА!



Сизни туғилган кунингиз, 31 ёшингиз билан кутлаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ бўлинг.

Турмуш уртосингиз: Шухрат,
Уғилларингиз: Шохруҳ,
Шаҳбоз.

АГАР СУДЬЯ БЎЛСАЙДИМ...



Шахримиздаги «Меҳрибонлик уйи» янги бинога кучдию, бизнинг ташкилотимиз уша эски кўрмисизгина бинога кучадиган бўлди. Алоҳида жой текканидан шошдики, таъмирлаб беришларини кутмасдан, куннинг иккинчи ярмидаёқ кўчиб қўя қолдик.

Сал-пал уёқ-бўвқни йиғиштириб уйга кетдик. Эртаси кўни ўзимга тегишли хонани эпаклага келтириб, дераза олдига гултувакларни билан бизга ухшаб кўчиб юрадиган гулларни қўймоқчи бўлдим. Дераза рафига тушалган, саргайиб кетган коғозларни олиб ташлаб урнига бошқа коғоз тушамоқчи бўлдим. Ҳалиги варақларнинг орқасидаги ҳусниҳат билан ёзилган ёзувлар диққатимни тортди. Ҳаммасини олиб қарасам ҳалиги ёзувчи укувчилар дафтариининг уртасидан олинган варақ экан. Бирам чиройли, марвариддек ҳарфларни ҳавас билан томоша қила туриб, бир суз диққатимни тортди. «Агар судья бўлсайдим, ойм билан дадамни яраштириб, ўзим кулларидан маҳкам ушлаб уйимизга олиб кетган бўлардим...» Мен қандайдир ички бир ҳаяжон билан турган жойимда иншоини ўқий бошладим...

«Она тили ўқитувчимиз иншо ёзилган деди. Узларинга ўққан, эсларингда қолган воқеалар ҳақида ёсанглар ҳам бўлади, — деб тушунтирди.

Эсимда бир воқеа қолган, уша кўни мен ҳеч қачон унута олмаман... Шунн ёзаман.

«...Ойм мени ясантираётганини кўриб ҳурсанд бўлардим. Айланиб келгани кетаялғимзи, — деб уйла-гадим. Оймн узлариям кийинчи бўлган, кўчага чиқдик. Машинада бир жойга келдик. Қарасам аёллар, эркаклар болалар ҳам куп ҳамма-нинг қовоғи солиқ, ташвишли. Биз каттакон хонага кирганимизда бир йиғит келиб оймга алақандая коғозларга қўл қўйдириб олдилар. Қарасам дадам дераза внида сигарет чекиб турибдики. Суқониб кетдим. «Дадажон!» — дея юғриб бориб бўянига осилмоқчи бўлгандим, жажиллари чиқиб «Тур нарга, ҳароми!» — дея тескари қараб олдилар. Йиғлаб юбордим. Ахир дадамни ҳам, оймни ҳам яхши кўрадим-да, нега улар бундай уришиб бердилар? Бунинг устига оймн орқадан келиб: «Нега унинг олдига келдинг, қулоқсиз?» дея бир тарсаки тушир-

дилар. Юзларим оғриқдан ловуллаб кетди. Ўзимга раҳимн келиб кетди. Жоним оғриганидан эмас. Йўқ. Дадам билан турган чиройли холаннинг ёнидаги мен тенги ўғил болани улиб қўлидан ушлаб кўчага олиб чиқиб кетганлари алам қилди-да... Ахир у менинг дадам! Эди-ку!

Шу вақт ойм билан дадамни ичкарига чақиритди. Уч киши тепадаги креслода утирибди. Бояги йиғит эса тинмай ёзаяпти.

— Хуш, берилган муддатда ярашдингларми? — суради тепалак киши. У суднинг раиси экан.

— Йўқ, яраша олмадик! — дедилар оймн астагина.

— Айтгандим-ку! Уйланганман деб, — деди дадам кескин. — Хотиниму углим бор, ахир...

— Ҳай, майли унда қонун номи билан, сизларнинг қонуний никоҳингизни бекор қиламиз, сизларни ажратамиз, — дедилар яна уртадаги киши.

— Яна бир оз муддат беринг, — дея оймн йиғлаб юбордилар. Мен эса алам билан ҳалиги киши томонга

отилдим. «Амаки, уларни ажратманг, дадамга айтинг, уйга борсинлар! — деб бақириб йиғладим. Шу пайт дадам келиб овутишини, кўтариб юзларимдан ўлишини истардимки... Дадам эса... индамай чиқиб кетди. Биз ҳам ойм билан уйга келдик. Бувим мени кўчоқлаб йиғлади. «Тирик етим набирагинан, энди қандоқ қиламиз», деб бошимни силадилар Сўнг ораддан озгина утиб уйимизни сотиб шаҳарга кўчиб келдик. Оймн касал бўлиб қўлдилар. Куп ётдилар.

Бир кўни богчадан келиб оймнинг ётадиган қаравотига юғуриб борсам, оймлар йўқлар. Билсам, мен богчадалигимда оймн улиб қолган эканлар. Кейинчалик бувим ҳам уринларидан туролмай қолдилар. Қўшнларимиз бизга овқат олиб чиқадиغان бўлишиди. Ҳалима хола деган қўшнимиз бувим билан гаплашиб мени узлари ишлайдиган жойга «Меҳрибонлик уйи»га жойлаб қўйдилар. Йиғлаб-йиғлаб кейин ургана бошладим. Уйимиз унча олам эмасди. Баъзан Ҳалима опа билан бувимни кўргани келардим. Бувим

менга яхши ўқигин, катта одам бўласан, хупми, — деб насиҳат қилардилар. Ҳозир бувим ҳам йўқ. У киши ҳам... Ҳозир эшигимиз куф туради. Мен эса уйимизни, ҳовли-мизни кўриб келаман. Бориб тирқишдан муралайман. Муралаб турарвераман. Бир кўни бувимнинг уртоғи кўриб қолдилар. Қалит у кишида эди. Дарвозамизни очиб бердилар. Уйга кирганимизда бирданига оймни, дадамни, бувижонимни соғиниб кетдим. Ўзимни ерга отиб йиғладим. Холис бувим аввал уриш-дилар, кейин эса менга қўшилиб йиғладилар. Сўнг Қўрьон тиловат қилдилар.

— Йиғлама болам, катта бўлсанг, шу ерда яшайсан, онангни, бувингни рухлари шод бўлади, — дедилар. Дам олиш кўнлари келиб ҳовлидаги ўтларни юлдим, сув селдим. Узум пишганда бир челақ олиб бориб уртоқларимни меҳмон қилдим. Ҳозир еттинчи синфга ўтдим. Нукул беш олиб ўқиялман. Катта бўлсам судья бўлмоқчиман... Ўқитувчимизга ҳам айтдим: «Агар судья бўлсайдим, ҳеч кимнинг ота-онасини ажратиб юбормаган бўлардим. Қайтага «ярашинлар», деб уришардим...

Иншонинг давоми борми йўқми билмадим, лекин қизил рўчка билан ёзилган шу сузлар бор эди... Бу муаллимнинг қайди эди...

ШЕРБЕК!

Иншо бундай ёзилмайди-да... Жуда бушсан. Қаттиқ ишлашинг керак, баҳонинг ҳозирча... 2.

Ажаб! Бу иншоини ўқиганимда энг катта, тажрибали ёзувчиларнинг асарларидан ҳам кура кўпроқ таъсирландим. Ҳатто уримдан туриб бориб Шербекларнинг уйини изла-гудек ҳолатда эдим.

Муаллиманинг қайдларига тикиламан. Менинг назаримда биз катталар тушунмаган, назарга илмаган самимий тўйгулар ифода этилган, ажиб шох асар эди бу... Агар муаллима бўлганимда Шербек деган бу болага «5» баҳонини ҳам кам деган иқдор булган бўлардим. Суддаги ишларни қуришда маслаҳатчи бўлиб иштирок этган давримда ажратиб бўйига қўриладиган ишларда ота-оналар уртасида турган болаларни кўрсам уша Шербекни эслайман...

У қерда жан? Мактабни тугатдим-киман? Судья бўла олдимикиан?

Басира САЙИД АЛИ

Газетхонларимиз ижодидан

ОЧЛИҚЧИНИ ЭРУРМАНИ
Ойдин кечаларда самога боқиб, Юлдузинг излайман интизор бўлиб, Уйқусиз бу тунлар Гам ва аламлар, Яшарман ёлғизим дардларга тўлиб.

Ганим сўзи билан яшаб ҳаётда, Хатога йўл қўйдим билмай дамодам. Гулдек Нозигим сендан айрилиб, Ҳижрон азобида қолдим эркам.

Узгалар сўзига кирмагил зинҳор, Маним чин севгимни айламагил ҳор. Қўшигим янграйди токи ҳаётман, Ошигинг эрурман доим вафодор.

Олим АҲРОРОВ
Навоий вилояти
Бўстон қўргони.

ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

СУТДА ЧОЙ ШАММАСИНИ КЎРГАНДИМ...

Ассалому алайкум ҳурматли «Оила ва жамият» таҳририяти! «Туш таъбирномаси»ни яратайлик руқни остидаги мақолангизни ўқиб анча уйланиб қолдим. Ўзим доимий газетхонларингизман. Бирорта сонини қолдирмай ўқиб бораман. Газета менга ёқади. Ундан анча нарсаларни ўқиб, урганиб олса бўлади. Энди озгина ўзим ҳақимда. Мен Олия Қосимова 1959 йил туғилганман, ёшим 39 да. Навоий шахрининг 4-сон алоқа булими бошлиғи лавозимида 12 йилдан буюн ишлаб келаялман. 4-нафар фарзандим бор. Турмуш уртоғим Ихтиёр Қосимов Навоий шахридаги қурилиш трестиде ҳайдовчи бўлиб ишлайдилар. Турмуш курганимизга 22 йил булди. Турмушимиз жуда ҳам яхши. Бизнинг оиламизга ҳамма ҳавас билан қарайди. Эрим ичмайди, чекмайди, уйимизда уруш-жанжал йўқ. Лекин яқинда мен бир туш кўрдим. Эмишки мен онамларни уйларига меҳмонга борган эмишман. Онам менга бир коса сут бердилар. Сутни қўлимга олиб ичмоқчи бўлсам ичиде қора шаммалар, яъни чой япроқлари бор эмиш. Мен сутда нега мунча қора шаммалар куп экан, деб бари бир

сутни ичибман. Сут жудаям ширин экан. Эрталаб уйғониб уйлаб кўрдим. Ҳа, майли сут ойдинлик, лекин ичидеги қора чой япроқлари нима бўлса экан, деб тушимни сувга айтиб ишга кетдим. Ораддан 2 кун муҳлат ўтди. Мени ўзимиз билан бирга ишлайдиган қизимизнинг туйига таклиф этишди. Туй кеч соат 7 ларда эди. Эрим мени шу туйга боришга қўймади. Мен эса роса уруш-жанжал кутардим. Чунки шу пайтгача бирор марта бораман деган жойимдан қолмаган эдим. Алам қилиб ҳатто эрим билан аразлашиб бир неча кун гаплашмай қўйдим. Кунгил қораликлар утдию, мен уйланиб қолдим. Мана шу урушишлар тушимда авн булган эдику. Агар салгина эътибор берганимда тушимни эслаб, фикр қилиб курганимда шу жанжал келиб чиқмаган буларди. Чунки, 21—22 йилдан буюн яшаб наҳотки энди бир арзимаган тўйни деб оиламизга шунча совуқчилик тушса. Мен шуни уйлаб кўришим керак эди.

ОЛИЯ
Навоий шахри

«Оила ва жамият» ўғит номаси

Катта тутма ўзингни, паст бўлса пақир, Сендан улўг турар жаннатда сағир.

Эшит, дўст нима дер сенга. Билимини тенглаштир билими кенгга.

Емондан қоч. дилингни пок қил. Яхшини топ ҳамдаму, уртоқ қил.

Ақбар Рузи угли

Ибн Сино сабоқлари

КАРАМ

Карамнинг баргини майдалаб, ёлғиз узини ё талкон билан қўшиб қуоқ суртма қилиб боғланса ҳар қандай иссиқ шишга, шашек ем касалликларига фойда қилади.

Карамни туҳумининг оқи билан қўшиб, қуйган жойга қўйилади.

Карамнинг барги ярага айланган кўтирга фойда қилади.

Кун ора ичилган карам шурва қалтироққа фойда қилади.

Карам кайнатмасини бугинлар оғриганда ишлатилади.

Карам ширасини бурунга юборилса, миани тўзалади.

Карам шираси ё кайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб томоқни чайқалса томоқ оғриқларига фойда қилади. уни ейилса овоз тозаланади, чайнаб сувини сурибса бугилган овозни очади.

С. АҲМАД

ЭНГ ОҒИР ДАМЛАРИМДАН РОЗИМАН

Тақдир ва тадбир

— Шавкат Абдуллаевич, эшитишимча, сиз жуда кўп тусикларга учраган экансиз. Аммо инсонни инсон қилувчи, чиниқтирувчи бундай курашлардан кези келганда мамнун бўлсангиз керак.


— Албатта, менга ҳов бўлганларга ботинан ҳурматим катта. Энг оғир дамларимдан розиман. Зотан, 17 ёшимда Тошкентга келиб, биринчи тунни вокзалда ўтказганим, кейин Эркин, Абдулла исмли уртокларим билан танишиб, тайёрағох остонасидаги майсазорда тағимизга газета тушаб, биримиз пойлоқчилик қилсак, иккимиз ухлаганимиз, камина эса, ўшанда терлама касалини юктириб, тўрт ой ТошМИда ёганимиз, ўқишга қиролмай уйга йиғлаб қайтганим ҳали замон рўй бергандек эсимда.

Талабалик йилларим ҳам ҳамма-ники қатори утган. Ҳа, айтгандай иккинчи йили яна ТошМИга ҳўж-жат топшириб, бор-йўғи бир бал етмай ўқишга қиролмай кетаётганимда тасодифан Зиқир Назирович деган шу соҳа профессори билан танишиб, у кишининг йуриғи билан Доришунослик олийғоҳига кириб ўқидим. Гапнинг рости, менинг ана шу кўнларим энг оғир дамлар эди. Кейин эса уйландим. Турмуш уртоғим Зўҳраҳон билан касбдош бўлганимиз учун ҳам бир-биримизни тезда англاردик.

Уйли жойли бўлгунча неча-неча кўч-кўчларни бошдан кечирдик. Бизга берилган уйга, ўзгалар зуравонлик билан кириб олди. Кандидатлик диссертациясини ёқлаш чоғимда ҳам жуда кўп тусиклар бўлди. Докторликда эса яна. Умуман буларнинг бари мени курашга чорлади. Ҳар қачонгидан ҳам кура кучлироқ изланишимни

Шундай инсонлар борки, уларнинг ўрнак буларли турмушлари ва азиятли кечмишлари ҳаётларининг энг гузал лаҳзалари ила қоришиб, омикталашиб кетган. Зеро, улар бу ёруғ дунёдан толган андуҳларини тақдирнинг ҳукми ва тадбирнинг ҳайри билан мукаммал бир изга солиб олишади. Муҳими ана шундай одамлар яхшилик ва ёмонлик ўрта-сидаги курашда «ёнган, товланган, пишган, қорайган» киши сурати-ни, сийратини кўз ўнгингизда намоен этадилар.

Танишинг: Техника фанлари доктори, профессор, Тошкент авто-мобиль йўллари олийғоҳининг химитология кафедраси мудири Шавкат Абдуллаевич Абдуллаев, гузал Фарғона вилоятининг Бувайда тумани, Манғит қишлоғини соғиниб, соғинтириб пойтахтга келганига ҳам ропа-роса йигирма олти йил бўлди. Унга яқин хорижий давлатларда бўлган, илмий анжуманлар баҳона, тўрт қарра Қўшма штатларга қилган сафарининг маҳсули ўлароқ, 1992 йили Ўзбекистонда биринчи «Ўзбек—Америка» қўшма хорхонасини ташкил этди. У узига ҳам ат-рофидагиларга ҳам ута талабчан, изланувчан инсон. Фарзандлари Улугбек, Шаҳноза ва Отабек, келинлари Гулчехраҳонлар ҳам ўқимишли. Домланинг овунчоғи суюқли набираси Шохруҳбекдир.



тақазо этди.

— Касбдошларингиз Сизни нафақат олим сифатида балки яхши бир оиланинг бошлиғи бўлганингиз учун ҳам ўзгача ҳурмат билан эъзозлашаркан. Бунинг ҳам ўз йуриғи бўлса керак?

— Булмасамчи, аввало эр киши

ўз оиласида ҳурмат топсагина куча-кўйда ҳам одамлар назарига тушади. У том маънодаги оиланинг устуни. Бироқ куруқ устун кимга керак? Бунинг учун хонадонини ҳам моддий, ҳам маънавий тўқис қилиб қўймоғи лозим. Кейин ўз ҳуқуқи ҳақида тулиб-тошиб га-пирса ҳам бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, эр оиланинг ошхона омборини сабзи, пивёз, картошка, ёғ, гушт, гуруч ва ҳоказолар билан тўлдириб қўйиб, кейин аёлига хоҳлаган таомини буюртма қилиб, ёнбошлаб ётса, ана шу оилада бекорчи тортишув бўлмайди.

Ҳатто эр аёлига «Ховлини супуриб қуйинг!» дея буйруқ беришдан аввал, уйда супурғи борми ёки супурғининг ёмирилиб адо бўлган бўлмагани ҳақида хабардор бўлса ёмон бўлмасди.

— Кўпчилик кишилар ҳаётлари

давомида оилавий бахтсизликка учрасалар, тақдирларидан ноли-шади. Сизнингча шу тўғрими?

— Менимча кишининг тақдири узининг қўлида. Зеро, яратувчилик инсонга ҳам хос фазилат. Фақат бунинг учун чидам, бардош керак, сабр-тоқатли бўлиш лозим. Сиз бу савол замирида ажралишайтган ёш оилаларни назарда тутайтган бўлсангиз ажабмас. Балки «фалончининг юлдузи, писмадончининг юлдузига тўғри келмабди», деган гапларда ҳам мантқ бордир. Аммо ҳар бир нарсага киши ўз феъл-атвори орқали дучор бўлади. Ҳаёт тарзининг издан чиқиб кетишига ҳам албатта ўзи айбдор.

— Сиз бўлмаса, айтингчи тақдирга ишонасизми?

— Ишонаман!

— Тузган тадбирларингиз амалга ошмай қолса, афсусланасизми?

— Ҳа! Бирор бир юмушни ўз вақтида бажара олмасам афсусланаман.

— У ҳолда тақдирга қандай ишонасиз? Ахир у Аллоҳнинг хоҳиш иродаси билан бўлади-ку!?

Шавкат Абдуллаев билан суҳбатлашар эканман, аниқса у кишининг хонадонига бўлган чоғимда камтарин, аммо аҳил бу оиланинг ҳаёт тарзига ҳавасим келди. Шунингдек, Ровийларнинг «Ютқазиш эвазига ютасан», деган ҳикматли сузини эсладим. Балки шу пайт Шавкат акага «Сиз ҳаётингизда нималарни ютиб нималарни бой бердингиз?» дея сурасам, ютуқлари ҳақида кўп уйлаб ютқазганим «умрим», дея жавоб берсалар ажабмас эди.

У киши хайрлашиш чоғимизда юртга тинчлик, юртдошларга соғлик тилаб қолдилар.

САЙИД ОЛИМ

Жиноят-қидирув гуруҳининг раҳбари, лейтенант Қорабоевнинг боши қотиб қолди.

У узига топширилган янги «жиной иш» билан яна қайтадан танишиб чиқаркан, бу сафар ҳам худди боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилди ўзини.

Қўлидаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, узига қарашли худудга жойлашган ҳиёбондан кетма-кет, бир ҳафта ичида учта одамнинг улиғи топилган. Бир-таниқли киноактёр, иккинчиси — Бозор директори, учинчиси — вақтинча ҳеч қаерда ишламаётган, кейинги пайтларда ичкиликка берилиб кетган собиқ ўқитувчи... Ҳаммаси ўй-жойли, бола-чақали, қап-катта одамлар...

Қидирув гуруҳини ажаблантирган нарса шуки, бу ҳодисаларнинг ҳеч бирида жиноят изи кўринмасди. Тўғривоғи, бу ерда на қасддан одам ўлдириш, на босқинчилик белгилари кўринар, изқуварлар тили билан айтганда «қон ҳиди» йўқ эди.

«Хўш, унда уша фўқаролар қанақасига, қай тарзда ўлдирилган бўлишлари мумкин...» Қорабоевни уйлантириб қўйган муаммо ҳам шунда эди. Пичоқ урилмаган, заҳарланмаган, отиб ташланмаган, бўйинга арқон ташлаб бўғилмаган... Энг қизиқ ери шундаки, марҳумларнинг танасида ҳам биронта тирналган ё кесилган жойи кўринмасди.



Қорабоев уч-тўрт кун бурун текширувчи-доктор билан «Уликхона»га борганида ҳам бундан ҳайрон қолган. ҳамроҳи марҳумларнинг «Касаллик варақа»ларидаги маълумотлар билан таништириб, уларнинг ҳеч бири бирон жиддий касаллик билан огримганини айтганида баттар таажубланган эди.

Мана энди булса ҳужжатларни варақлаганча, сигарет тутунига кумилиб утираркан, нимадир ёдига тушди шекилли, бехтёр телефон гўшагини кўтариб

Эркин УСМОНОВ

рақамларни терди.

— Собир ака, ҳорманг, менинг олдимга бирров кириб кетолмайсизми? Ҳа, маслаҳатли бир иш чиқиб қолди, — деди.

Қорабоев асабилашиб хонада ўқдан-бўёққа юрди, юрди-да, дераза ёнида тўхтади.

Кўп утмай хонага сийрак сочлари оппоқ оқарган, тарашадек озгин киши кириб келди.

Хўш, нима гаплар, Шавкатжон? Янгиликлар борми?

— Йўқ, Собир ака, ҳеч гап йўқ, — чуқур тин олди лейтенант Қорабоев, — Биласизми... мен сизни безовта қилганим... бир нарса сўрамоқчи эдим?

— Марҳамат, қулоғим сизда! — деди доктор.

— Шу... қайси куни «морг»га борганимизда... сиз сездингизми-йўқми-ю, уликларнинг юз-кўзларига қандайдир огрик, азоб белгилари қотиб қолгандек туюлди менга.

Доктор ялт этиб суҳбатдошига қаради.

— Тўғри пайқабсиз. Бунинг мен ҳам сездим. Лекин...

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 18.30.

Ҳомий
«Матбуот гаркатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0340
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Навбатчи Басира Сайид АЛИ

Шиориимиз:
Оила - жамият фахри